# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 37713

« 12 » «август » 2022 йил

"BULUNGUR INJINERUNG" МЧЖ, кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбар *С.Абдужалилов* номидан, бир томондан ва Булунғур туман махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Хокимят (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи хоким **Ф.Шодмонов** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га туман хокимлиги бино ижараси (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зимм+-асига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган иловада келтирилади.

| № | Товар (махсулотлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Бахоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Байрам тадбирлари ва бошка тадбирлар учун баннерлар ясаш ва ўрнатиш хизмати | М2 | 120 | 100000 | 12 000 000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | **Жами** | | | | 12 000 000 |

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. " Буюртмачи "нинг хуқуқлари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- бахосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг 5 кун мобайнида хақ тўлаш.

**2.3. «Бажарувчи» қуйидаги хуқуқларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан хақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 1 кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонига асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган товар (бажариладиган ишлар, курсатиладиган хизматлар) кийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламасалар, махсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши такикланган.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 12 000 000(ўн икки миллион) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган

.3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи микдорида 2022 йилнинг август ойида олдиндан ҳак тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи миқдорида ишлар бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузилгандан кейин якуний тўловни амалга оширади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан накд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб килинади.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" кабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га хак тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни кабул килишни рад этишга ҳаклидир.

4.5. Назарда тутилган микдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида каралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича кабул килинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" микдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошкача тарзда берилади. Буюртманомани чопар оркали кабул килишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да коладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у кабул килинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳаклидир, бу хакда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор килади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг киймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аникланган такдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда кайта ҳисоб-китоб килади, ҳисоблаб чикилган ушбу суммадан ташкари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб килинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган такдирда, айблор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташкари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлик кўрсатилмаган такдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" кийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлик кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вактида хак тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида махсус ҳисобракамидан пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чикилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан копланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.
5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хаклидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «12 » августдан 2022 йил «31» Декабргача амалда бўлади.
7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлик тугалланган такдирда тўхтатилади.

## VIII ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиниш мумкин.
8.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Булунгур тумани буйича Газначилик булинмасидан белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.
9.2. Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.
9.3. Мазкур шартнома томонларнинг хар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (кўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| **«Бажарувчи»** | **«Буюртмачи»** |
|---|---|
| "BULUNGUR INJINERUNG" МЧЖ<br>(ижрочининг номи) | Булунгур туман махалла ва оилани кўллаб кувватлаш бўлим<br>(бюджет маблагларини олувчи номи) |
| манзили *Булунгур туман* | манзили_______________ |
| тел\факс | тел\факс_______________ |
| Х\р 20208000900436051001 | ш\хв |
| Банк номи; АТ Саноат-Курилиш банк Самарканд мин.ф | Банк номи Марказий банк |
| МФО 00317 ИНН 303165955 | МФО 00014 ИНН 207317266 |
| Рахбар С. Абдужалилов<br>( Ф.И.Ш.) | Рахбар: Ф.Шодмонов<br>( Ф.И.Ш.) |
| М.Ў. | М.Ў. |

*2022 й « 12 » августдаги № 37713 - сонли шартноманинг 3 варағи*

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 131265 на приобретение Булунгур туман маҳалла фукаролар йиғинлари раислари сайлови учун ташвиқот баннерлари чиқариш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 10.08.2022

Время рассмотрения 10.08.2022 10:18

Конкурсная комиссия Булунгур туман Махалла ва оилани куллаб кувватлаш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SHODMONOV ALISHER FAYZULLAYEVICH | комиссия раиси | Булунгур туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими |
| **Секретарь комиссии** | UMAROV IXTIYOR BAXTIYOR O'G'LI | секратар комиссии | Булунгур туман махалла ва оилани кўллаб қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | AXMEDOV OCHIL NORQULOVICH | аъзо | Булунгур туман махалла ва оилани кўллаб қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | SULAYMANOV DUVLAN ABDURAIMOVICH | Комиссия аъзоси | Махалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | QOSIMOV ILXOM IBRAGIM O'G'LI | секретар комисси | Булунгур туман махалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | UMAROV SHARIFXON SAIDXON O'G'LI | аъзо | Булунгур туман махалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.08.2022 года № лота 131265.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по широкоформатному печатанию баннеров** |
| Подробное описание | Услуга по широкоформатному печатанию баннеров |
| Количество товара | 120.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 100 000.00 |
| Стартовая сумма | 12 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Булунгур туман маҳалла фукаролар йиғинлари раислари сайлови учун ташвиқот баннерлари чиқариш ишлари

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BULUNGUR INJINERING MCHJ | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| AKBARSHOX OROM XK | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №2 Таъминотчи манзили

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BULUNGUR INJINERING MCHJ | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| AKBARSHOX OROM XK | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |

Критерий №3 таъминотчи тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BULUNGUR INJINERING MCHJ | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| AKBARSHOX OROM XK | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |

Критерий №4 Олиднги қилган ишлари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BULUNGUR INJINERING MCHJ | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| AKBARSHOX OROM XK | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **AKBARSHOX OROM XK** | 12 000 000.00 | 12 000 000.00 UZS | 12 000 000.00 | 00.00 | 12 000 000.00 | 10.08.2022 09:29:12 | 30.00 |
| **BULUNGUR INJINERING MCHJ** | 12 000 000.00 | 12 000 000.00 UZS | 12 000 000.00 | 00.00 | 12 000 000.00 | 10.08.2022 09:17:34 | 30.00 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **AKBARSHOX OROM XK** | 65.625 | 30 | 95.625 |
| **BULUNGUR INJINERING MCHJ** | 70 | 30 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 131265 от 10.08.2022 года на приобретение Булунгур туман маҳалла фукаролар йиғинлари раислари сайлови учун ташвиқот баннерлари чиқариш ишлари определила победителем:

BULUNGUR INJINERING MCHJ
303165955

и резервный исполнитель: AKBARSHOX OROM XK (304667227)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SHODMONOV ALISHER FAYZULLAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SULAYMANOV DUVLAN ABDURAIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | QOSIMOV ILXOM IBRAGIM O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | UMAROV SHARIFXON SAIDXON O'G'LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП